

ладиган барча маршрутларда санитария – гигиена шаҳобчалари (ҳожатхона) ларини таблага жавоб берилишини назорат қилиш;

- Темирйул вокзалида “Афросиёб” тезюар поезди орқали ташриф буюрадиган сайёхлар учун ахборот маркази (инфокиоск) ташкил қилиш,

- мамлакатимиз темирйул вокзалларида, ҳалқаро аэропортлар худудида, шунингдек шаҳарнинг бошқа гавжум жойларида сайёхларга хизмат кўрсатадиган йўналишсиз такси ҳамда норасмий транспорт воситаларининг фаолиятини тартибга солиш;

- қишлоқ жойлардаги ҳар бир кўчаларда, обидаларда ҳамда бошқа йўналишларда йўл

белгиларини ўрнатиш, ҳар бир обидаларда турникет ва 3 тилда ахборот доскаларини ўрнатиш;

- Самарқанд вилояти мисолида таъкид этадиган бўлсак, масалан Самарқанд қишлоқларида анъанавий тарзда ўтказиладиган “Наврўз” умумхалқ байрами, “Самарқанд ҳунармандлари”, “Самарқанд нонлари”, “Қовун сайли”, “Миллий таомлар ва шарқ шириналлари кўргазмаси”, “Улоқ-кўпкари” ва бошқа миллий-маданий байрамлар тақвимини ишлаб чиқиши, юқори тайёргарлик билан ўтказиши, тадбирлар ҳақида оммавий воситаларда, айниқса интернет тармоқларига намойиш қилиш бўйича режали чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Чуқур инқироз ёқасидаги туризм: уни қутқаришининг чораси борми?//kun.uz 08.05.2020 й
2. Коронавирус энди гуркираётган Ўзбекистон туризмига қанчага тушмоқда?//kun.Uz 16.07.2020 й
3. Коронавирус пандемиясининг глобал иқтисодиётга ва Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкор мамалакатларига таъсир //kun.uz 03.07.2020 й
4. www.lex.uz
5. www.unwto.org
6. www.uzbektourism.uz
7. www.stat.uz
8. kun.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Матқабулова Дилором Ҳалилуллаевна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг мазмуни, таркиби, функциялари, уни ривожлантиришининг зарурлиги, аҳамияти, амалиёти, ҳуқуқий асослари, жараёнлари, инвестицион имкониятлари ва муаммолари таҳдил қилинган ва мазкур муаммоларни ҳал этишига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Туризм, туризм индустриси, туризм инфратузилмаси, сайёҳ, инвестиция, меҳмонхона, туристик хизмат, бандлик, туроператор, экспорт.

ВОЗМОЖНОСТИ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Матқабулова Дилором Ҳалилуллаевна -
Ташкентский государственный экономический университет,
самостоятельный соискатель*

Аннотация: В статье анализируется содержание, структура, функции туристической инфраструктуры в Узбекистане, необходимость, значение, практика, правовая база, процессы, инвестиционные возможности и проблемы ее развития, а также разрабатываются предложения и рекомендации по решению этих вопросов.

Ключевые слова: Туризм, индустрия туризма, туристическая инфраструктура, туризм, инвестиции, гостиница, туристические услуги, трудоустройство, туроператор, спорт.

OPPORTUNITIES AND DIRECTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM INFRASTRUCTURE IN UZBEKISTAN

*Matkabulova Dilorom Khalilullaevna -
Tashkent State University of Economics, independent applicant*

Абстракт: The article analyzes the content, structure, functions of tourism infrastructure in Uzbekistan, the need, significance, practice, legal framework, processes, investment opportunities and problems of its development, and also develops proposals and recommendations for solving these issues.

Keywords: Tourism, tourism industry, tourism infrastructure, tourism, investment, hotel, tourism services, employment, tour operator, export.

Кириш. Туризм индустриясининг ривожланиши иқтисодиётга кўп жиҳатдан ижобий са- мара келтиради. Унинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишда эса туризм инфратузилмаси муҳим омил сифатида баҳоланади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, мамлакатда туризм индустриясини ривожлантиришда туризм инфратузилмаси асосий ўринни эгаллайди. Мамлакатнинг қулай географик жойлашуви, иқтисодий ривожланиш ҳолати, ижтимоий аҳволи, тарихий-маданий салоҳияти кабилар сайёҳларни мамлакатга жалб этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ, мавжуд имкониятлардан фойдаланишни амалда рўёбга чиқаришда туризм инфратузилмасининг шаклланганлиги асосий шарт сифатида марказий ўринга чиқади. Бу эса, қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлишига қарамай, мамлакатда туризм инфратузилмасининг ривожланмаганлиги туризм индустрияси салоҳиятидан фойдаланишда жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Туризм кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир, у маҳаллий туристик ресурслардан фойдаланишга асосланган бўлиб, бунинг эвазига компаниялар ёки давлат даромад олиши керак. Шу муносабат билан барча туризм компаниялари янги муаммоларга дуч келмоқдалар. Улар орасида қулаги дара- жасини ошириш, янги ноёб йўналишларни ривожлантириш, янги сайёҳлик бозорларини эгаллаш ва ҳ.к.ларни таъкидлаш мумкин. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўналишларидан бири бу туризм инфратузилмасини ривожлантиришdir. Аммо, уни яратиш инфратузилма турили корхоналари ва давлат томонидан катта эътибор талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам туризм индустриясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётган ҳозирги шароитда ундан кутилаётган самараларни қўлга киритишда туризм инфратузилмасининг ўрни ва ҳолати беқиёс ҳисобланади. Шу сабабдан сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм инфратузилмасини талаб даражасида шакллантиришга давлат даражасида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бироқ, мамлакатнинг барча худудларида туризм инфратузилмасининг бир хил савияда ва шароитда шаклланмаганлиги мазкур соҳада алоҳида тадқиқотлар олиб бориш заруритини долзарб қилиб қўймоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Мавзу юзасидан тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш имкониятларини ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлашдан иборатdir.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатда туризмнинг фаол ривожланиши туризм инфратузилманинг самарали хизмати мавжуд-

лигига таъминланиши мумкин. Шунга қўра, бугунги ҳаётимизда туризм инфратузилмаси тобора кўпроқ тилга олинаётган соҳалардан ҳисобланади. Туристик инфратузилма тушунчаси янги тушунча бўлмаса ҳам, маҳаллий адабиётда унинг ягона талқини мавжуд эмас. Ушбу тушунчанинг мазмуни ягона маъно касб этиши ҳануз очиб берилимаганлиги иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини туризм инфратузилмасига боғлаш ва йўналтиришнинг аниқ белгиларининг асосланмаганлиги ҳамда унинг объектлари доирасининг ноаниқлиги билан изоҳланади.

Турли худудларда туристик инфратузилманинг ривожланишига турили хорижий ва маҳаллий олим ва мутахассислар ўз асарларида эътибор беришган: В.М.Иванова, А.Ю.Александрова, М.Н.Дмитриев, М.Н.Забаева, А.С.Кусков, В.Л.Голубева, Т.Н.Одинцова, В.В.Каменева, А.Н.Антонова, М.С.Локтева, Д.Н.Суванова, Д.М.Абдураимов, А.Н.Норчаев, С.А.Боголюбова, Д.Ф.Василича [1-10].

Жумладан, В.М.Иванованинг ёзишича, туризм инфратузилмаси деганда, нафақат, туризмга боғлиқ бўлган ижтимоий хизматлар, балки, иншоотлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари комплекси, шу жумладан, туристларнинг туристик ресурслардан нормал фойдаланишини ва улардан туризм мақсадларида тўғри фойдаланишни таъминлаш, туризм соҳасидаги корхоналар ва туристларнинг ўзлари ҳаётини таъминловчи телекоммуникация тармоқлари, туризм соҳасига қўşни корхоналарни ўз ичига олган йўллар ҳам тушунилиши керак [1].

А.Ю.Александрова берган таърифга қўра, “Туристик инфратузилма – бу сайёҳларнинг туристик ресурсларга нормал киришини ва улардан туристик мақсадларда тўғри фойдаланишини таъминловчи, шунингдек, туризм индустрияси корхоналарининг ҳаётийлигини таъминловчи, туризм соҳаси фаолияти учун мўлжалланган иншоотлар ва ишлаб чиқариш, ижтимоий ва рекреацион мақсадлардаги мавжуд мажмуя” [2].

М.Н.Дмитриев туристик инфратузилмага унинг ташкил топши таркибига қўра таъриф беради, яъни: “Бу – автомобил ва темир йўллар, станциялар ва терминаллар, автомобил, ҳаво, дарё ва денгиз ташишларини бошқариш тизимлари, иссиқлик таъминоти тизимлари, электр ва телефон тармоқлари ва бошқалар”, дея ҳисоблайди [3]. А.С.Кусков, В.Л.Голубева, Т.Н.Одинцовлар туризм инфратузилмасининг туризм индустриясининг ажralmas бир бўғини сифатида ги хусусиятига ургу берган ҳолда унинг мазмумни ва таркибини очиб беришга ҳаракат қилгандар [4].

Унга қўра, туризм индустрияси 2 элементдан иборат бўлиб:

- биринчи элемент – бу меҳмондўстлик

саноати, унга турар-жой ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатадиган корхоналар кириши керак;

- туризм индустриясининг иккинчи элементи - бу ўзини учта даражали тизим сифатида намоён этувчи инфратузилма таркиби ҳисобланади.

Туризм инфратузилмасининг биринчи даражаси ишлаб чиқариш инфратузилмаси - туристик маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган (кейинги икки дараҷадаги тузилмалардан фарқли ўлароқ) мавжуд тузилмалар, бинолар, транспорт тармоқлари, тизимлар мажмуаси сифатида, бироқ, туристик хизматлар - транспорт, алоқа, энергетика, коммунал хўжалик, молия, сугурта, хавфсизлик хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган мажмуа сифатида ўзини намоён этади [5].

Туристик инфратузилманинг иккинчи ва учинчи даражалари туризм фаолияти ва туристик маҳсулотни шакллантириш билан бевосита шуғулланадиган корхона ва ташкилотлар томонидан шакллантирилади.

Иккинчи даражага сайёҳларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлган, аммо, улар сайёҳлар жойлашадиган жойларда фаолияти кенгаядиган тузилмалар киради. Бу автомобилларни ижара-га берувчи компанииялар, такси компаниялари (таксопарклар), кафе, ва ресторонлар, спорт клублари, музейлар, театрлар ва кинотеатрлар, кўргазма заллари, цирклар, ҳайвонот боғлари, казинолар ва бошқалар ҳисобланади [6].

"Туризм инфратузилмаси"га туризм ташкилотлари, туристларга хизмат кўрсатиладиган жойлар, меҳмонхоналар, овқатланиш тармоқлари, транспортлар, йўллар ва туризм бўйича мутахассислар киради, дея талқин этади маҳаллий тадқиқчилардан бўлган Д.Н.Суванова. Шунингдек, у ҳозирги кунда республикамизда туризм инфратузилмасини жаҳон андозаларига жавоб берадиган қилиб тартибга келтириш учун анча маблағ ажратиш кераклигини таъкидлаб ўтади [7].

Д.М.Абдураимов эса "Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш омиллари ва хусусиятлари" номли асарида туризм инфратузилмаси ривожланишининг ташкилий-иктисодий жиҳатларига, хусусан, харажатлар сарфини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш ва туризм корхонаси даромади масаласига алоҳида эътиборни қаратган [8].

А.Н.Норчаев эса ўз тадқиқотларида туризм инфратузилмасини ривожлантиришда меҳмонхоналар хизмат кўлами ва сифатини оширишга оид таҳдиллар, хуносалар, таклиф-тавсиялар ўрин олган [9].

С.А.Боголюбова, Д.Ф. Василиха "Факторы неэфективного развития региональной инфраструктуры туризма" номли асарида

туризм инфратузилмасининг ривожланиши умумиқтисодий, тармоқнинг ўзига хослиги, ижтимоий-маданий, экологик каби қатор омилларга боғлиқлиги ва шунга кўра, инфратузилмавий муаммоларни тадқиқ қилган ҳолда уларни ҳал этишга доир тавсиялар ўрин олган [10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида туризм инфратузилмасини ривожланишнинг омиллари, йўналишлари ва имкониятларини аниқлашда кейинги йилларда миллый иқтисодиётда юз бераётган трансформацион ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳдил қилиш асосида ўрганиш методологияси қўлланилиб, ушбу йўналишда мутахассислар фикрларига таянган ҳолда иқтисодий жараёнлар ва тизимили кўрсаткичларни ўрганишга диалектик ва тизимили ёндашув, кузатиш, иқтисодий гурухлаш, омилларни таҳдил қилиш, эмперик тадқиқот ҳамда қиёсий таҳдил каби усуллари орқали туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаб бериш усули таклиф этилган. Шунингдек, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга тўсик бўлувчи муаммоларни бартараф этишга доираниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳдил ва натижалар. Туризм инфратузилмаси рекреацион ресурсларни ривожлантириш ва туризм соҳасини ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Унинг ривожланиши, бир томондан, худуднинг туристик ривожланишига ҳисса кўшса, бошқа томондан, ушбу худуд аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилади. Бундан ташқари, туристик инфратузилма кўплаб иш ўринларини яратади. Шундан келиб чиқиб, туризм инфратузилмасининг мавжуд салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланишига эришиш иқтисодиёт трансформацияси ва рақобатбардошлигини ошириш жараёнда ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Туризм инфратузимасининг самарали фаолият кўрсатишида унинг бир қатор функцияларни бажаришини қайд этиб ўтиш лозим. Улар қаторига таъминловчи, интеграцион ва тартибга солувчи функциялари киритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур туризм инфратузилмаси функцияларининг амалиётда самарали ишлаши муаллифлар А.С.Кусков, В.Л.Голубева, Т.Н.Одинцовалар ўз асарида келтириб ўтганлариdek унинг уч даражали бўғиндаги туризм инфратузилмасининг фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади..

Ўзбекистон Республикасида мамлакат туризм салоҳиятини оширишда туризм инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида республикамизда биринчи бор 2019 йилда туризм хизматлари экспорти ҳажми 1313,0 млн. АҚШ долларига етди, коронакризис таъсири сабаб бу кўрсаткич 2020 йилда 261,0 0

млн. АҚШ доллариға тушиб кетди.

Бироқ, туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин қўпайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясига кўра, 2021 йилда мамлакатда туризм хизматлари экспорти ҳажмини 2019 йилдагидан ҳам юқори, яъни 1620 млн. АҚШ доллариға, 2025 йилга бориб эса камида 2170 млн. АҚШ доллариға етказиш вазифаси қўйилган. Мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур натижаларни ортиғи билан қўлга киритиш имконини таъминлашига шубҳамиз йўқ.

Ўз навбатида, сўнгги йилларда республикамизда туризм инфратузилмасини ривожлантиришда янгича ёндашувлар ва замонавий қарашларнинг амалиётга жорий этилаётганлиги, ҳаётга сингдириб борилаётганлиги туризм индустрияси салоҳиятини янада кўтаришда, маҳаллий ва хорижий туристларни кенг жалб этишда муҳим омил сифатида ўз самарасини кўрсата бошлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшлиларни

кўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларда “Туризм маҳалласи”, “Туризм қишлоғи” ёки “Туризм овули” мақомига эгалиги белгилаб қўйилиши шу асосда жойларда бундай ҳудудларнинг янада кўпайишига эришилмоқда. Бу эса туристик оқимлар йўналиши ва жозибадорлигини оширишда ҳамда шунга мувофиқ Қарорда белгиланганига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан туризм объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилишига янада жиддий эътибор қаратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Туризм инфратузилмасини ривожлантиришда туристларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган туристик корхона ва ташкилотлар, хусусан, меҳмонхоналар, мотеллар, хостеллар, отеллар кабиларнинг етарли миқдорда ва талаб даражасида қурилганлиги, реконструкция қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Корона-вирус пандемияси шароитида ҳам давлат томонидан мазкур туристик хўжалик тузилмаларининг фаолияти, ривожланиши кенг кўллаб-куватланиши сабабли республикамизда туристларни меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларида қабул қилиш имкониятлари янада ортиб бораётганлиги эътиборга молиқdir. Бу Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасининг ривожланиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиши, фоиз
		2016	2017	2018	2019	2020	
1	Туризм инфратузилмасига китирилган инвестициялар ҳажми, млрд. Сўм	1052,1	1428,3	1956,1	1741,6	X*	1,7 м.**
2	Туристларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони, дона	750	764	914	1188	1308	1,7 м.
3	Мавжуд ўринлар сони, минг та	34	39,8	41,1	52,5	62	1,8 м.
4	Туризм соҳасида банд бўлганлар, минг киши	170,9	187,6	201,0	260,1	X*	1,5 м.**
5	Туроператорлар сони, бирлик	411	561	983	1482	1158	2,8 м.

Изоҳ: * – 2020 йил маълумотлари топилмади; ** – 2019 йилга нисбатан ҳисобланди.

Манба: Муаллиф шиланмаси

1-жадвал маълумотлари мазкур соҳадаги ўзгариш ва ривожланишлардан дарак беради. Яъни, статистик маълумотлар республикамизда сўнгги йилларда туризм инфратузилмасига

йўналтирилган инвестициялар ҳажми ортиб борганлигини, туристларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони ҳам ўсиб борган

ҳолда 2016 йилдаги 750 тадан 2020 йилга келиб 1308 тага, яъни 1,7 мартаға ошганлигини, бунинг натижасида улардаги яратилган туристларни қабул қилиш ўринларининг сони 1,8 мартаға ошиб, 62 мингтага етганлигини, туристларга маҳсус хизмат кўрсатувчи туроператорлар сони эса 2,8 мартаға ошганлигини, шунингдек, соҳадаги банд бўлганлар сони ҳам доимий ўсиб борганлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, соҳадаги ривожланиш натижалари ҳануз қониқарли даражада эмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-5048-сонли Қарор асосида мамлакатимизда туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йилда республикамиз ҳудудлари бўйича жами 1,0 трлн. сўм миқдоридаги инвестициялар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда ажратиладиган бўлди (2-жадвал). Бу туризм инфратузилмасининг янада ривожланиши ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият каст этади.

Жадвал маълумотларига кўра, 2021 йилда республикамиз бўйича туризм инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириладиган жами 1,0 трлн. сўмлик инвестициялар 5 та йўналиш бўйича ҳудудлар кесимида жойлаштирилиб, улар таркибида энг катта сумма (23,8%) Хоразм вилоятига, сўнгра Самарқанд вилоятига (13,5 %) йўналтирилиши, шунингдек, Жizzах вилоятининг туристик салоҳиятидан келиб чиқиб, мазкур вилоят туризм инфратузилмасига ҳам катта миқдордаги инвестиция (9,2%) инвестиция сарфланиши кўзда тутилган.

Умуман олганда, давлат томонидан туризм инфратузилмасини ривожлантиришда йўналтирилаётган инвестициялардан ташқари, хусусий сектор вакиллари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг ҳам иштироқи мавжудлигини инобатга олсан, яқин 5 йил ичида Ўзбекистонда мазкур соҳада улкан юксалишларга эришиш имкониятлари мавжудлигини кўриш мумкин. Бу эса туризм индустриясининг жадал суръатларда ривожланишига ўзининг самарали таъсирини кўрсатади, албатта.

Юқорида таъкидлаганимиздек, рус олими Боголюбова С.А. ўз тадқиқотларида келтириб ўтгани сингари муаммоли омиллар Ўзбекистон туризм инфратузилмасининг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда, жумладан:

- умуниқтисодий ва умумтизимли хусусият касб этувчи омиллар (туризм инфратузилмасини молиялаштириш; мулк муаммоси; туризм инфратузилмасида имкониятларнинг етишмаслиги; ҳудудий ривожланишдаги ному-таносибликлар ва бошқалар);

- тармоқнинг ўзига хослиги (инфратузилма объектларидан фойдаланишнинг мавсумийлиги; аниқ мақсад сегментига эътибор; технологик, экологик, шахсий хавфсизлик талабларини ошириш ва бошқалар).

- ижтимоий-маданий омиллар (худуднинг тарихий кўринишини бузиш; маданият ва анъаналарни сақлаб қолиш ва бошқалар);

- экологик омиллар (минтақавий туризм инфратузилмасининг ҳудуд ўтказувчанлиги даражасига мос келмаслиги; туристик марказларда антропоген юк даражасидан ошиб кетиш ва бошқалар);

Юқорида келтирилган муаммолар Ўзбекистонда туризм инфратузилмасининг салоҳиятини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишга етарлича тўсқинлик қиласида, шу сабабдан уларни бартараф этиш чораларини кўриш туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва туризм индустриясини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Туризм индустриясини ривожлантириш учун, энг аввало, туризм инфратузилмасига бирламчи эътиборни қаратиш ва кучайтириш лозим.

2. Туризм инфратузилмасига оид муаммоларни бартараф этиш инвестицияларга бевосита боғлиқ бўлиб, уларни жалб этишда хорижий инвестициялар иштироки ва қўлламини ошириш чораларини ишлаб чиқиш зарур.

3. Туризм инфратузилмасининг ривожланиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари (транспорт-логистика; сув, ўрмон ва қишлоқ хўжаликлари тармоқлари; ахборот технологиялари тармоғи; таълим тармоғи; соғлиқни сақлаш тармоғи; савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар) ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатишини инобатга олиб, мазкур соҳага йўналтирилган инвестицияларга оид пандемия шароитидаги имтиёзларни 2025 йилга қадар узайтириш лозим.

4. Ўзбекистондаги мавжуд туризмик салоҳиятларни тўлиқ ўрганиб чиққан ҳолда туризм инфратузилмасининг туризмнинг барча йўналишларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган имкониятларини яратиш зарур.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар жаҳон туризм индустриясида юзага келаётган ва кутилаётган ўзгаришларга тайёр туриш ва муносаб тарзда жавоб бериш билан Ўзбекистоннинг глобал туризм тармоғидан ажralиб қолмаслигини ҳамда туризм инфратузилмасининг истиқболли ривожланишини таъминлашда муҳим омил сифатида хизмат қиласида.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванова В.М. Туризм: основы, направления, структура. – М.: ИД “Феникс”, 2008. – 265 с.
2. Александрова А.Ю. Международный туризм: Учебник. – М.: Аспект Пресс, 2002. – 470 с.
3. Дмитриев М.Н., Забаева М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник для студентов вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. – 236 с.
4. Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география: Учебно-методический комплекс. – М.: Флинта, 2005. – 496 с.
5. Каменева В.В. Антонова А.Н. Транспортная составляющая инфраструктуры туризма. // Региональная экономика: теория и практика, 2009. – № 8. – С. 33–37.
6. Локтева М.С. Туризм как сфера социально-культурной деятельности // Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Образование, здравоохранение, физическая культура. – 2006. – № 16. – С. 119–123.
7. Суванова Д.Н. Заражен воҳасида туризм инфратузилмасини инновацион ривожлантиришнинг рақамли микроқитисодиётдаги роли. // “Science and Education” Scientific Journal. May 2020, 225-229-бетлар. // www.openscience.uz
8. Абдураимов Д.М. Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш омиллари ва хусусиятлари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. №2, mart-aprel, 2021 yil. 386-395-бетлар. // http://iqtisodiyot.tsue.uz
9. Норчаев А.Н. Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш омиллари ва хусусиятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, январь-февраль, 2019 йил. 1-8-бетлар. // www.iqtisodiyot.uz
10. Боголюбова С.А., Василиха Д.Ф. Факторы неэффективного развития региональной инфраструктуры туризма. // Современные проблемы науки и образования. – Режим доступа: <http://www.science-education.ru/100-4960>.
11. Воскресенский В.Ю. Международный туризм: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 255 с.

**XORAZM VILOYATIDA TURISTIK-REKREATSION XIZMATLARNING
RIVOJLANISH HOLATI VA TAHLILI**

**Ibadullaev Ergash Bakturdiyevich –
Urganch davlat universiteti doktarantı**

Annatotsiya: Ushbumaqlada Xorazm viloyatining turistik-rekreatsion xizmatlarning rivojlanish holati sotsiologik so'rovnoma o'tkazish orqali tahlil qilingan. So'rovnomada viloyatda turistik-rekreatsion xizmatlarga bo'lgan potensial talab o'r ganigan va sohanirivojlanirish bo'yicha ilmiy-amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: turistik-rekreatsion xizmatlar, sanotoriy-kurort, talab, turizm, respondent Covid-19.

**СОСТОЯНИЕ И АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ ТУРИСТИЧЕСКИХ И РЕКРЕАЦИОННЫХ
УСЛУГ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ**

**Ибадуллаев Эргаш Бактурдиевич –
Докторант Ургенчского государственного университета**

Аннотация: В статье на основе социологического исследования анализируется состояние развития туристско-рекреационных услуг в Хорезмской области. В ходе исследования изучен потенциальный спрос на туристско-рекреационные услуги в регионе и разработаны научно-практические рекомендации по развитию отрасли.

Ключевые слова: туристско-рекреационные услуги, санаторий, спрос, туризм, респондент, Covid-19.

**CURRENT CONDITION AND ANALYSIS OF DEVELOPMENT OF TOURISM AND
RECREATION SERVICES IN KHOREZM REGION**

**Ibadullaev Ergash Bakturdiyevich –
Phd student of Urgench State University**

Annotation: This article analyzes the state of development of tourist and recreational services in Khorezm region through a sociological survey. The survey studied the potential demand for tourist and recreational services in the region and developed scientific and practical recommendations for the development of the industry.

Keywords: tourist and recreational services, sanatorium-resort, demand, tourism, respondent, Covid-19.

Kirish. XXI asrning o'tgan davri mobaynida turizm sohasining jahon mamlakatlari iqtisodiyoti-da tutgan mavqeyi sezilarli darajada oshdi. Dunyo-ning ko'plab mamlakatlari ushbu tarmoqni maml-

kat YalMning yetakchi tarmoqlaridan biri bo'lish potensialini yaxshi anglab yetdi. Bundan tashqari turizm insonlarni nafaqat vaqtini yaxshi o'tkazish, sog'ligini tiklash, ta'lim berish, balki boshqa bir